



УМАР ХАЙЁМ РУБОИЙЛАРИНИНГ РУС, ЎЗБЕК, ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ ТАРЖИМАЛАРИДА ШАКЛ ВА МАЗМУН МУШТАРАКЛИГИ

Нодира Тўхтасинова

ЎзДЖТУ 2-босқич талабаси

Илмий раҳбар: Б. Холбекова

Аннотация: Мазкур мақолада Умар Ҳаййём рубоийларининг рус, ўзбек, инглиз тиллардаги таржималари ҳақида сўз боради ҳамда таржималарга илмий-ижодий ёндашилиб, мулоҳазалар билдирилади.

Калим сўзлар: Шарқ шеърияти, радиф, таржима, қайта яратиш, мусиқийлик, эксплицит, имплицит;

Ўзбек классик ва, умуман, Шарқ шеъриятини таржима қилишдаги энг қийин масалалардан бири радифни таржимада қайта яратиш масаласидир. Бизнинг назаримизда, радифли шеърнинг ўз радифини сақлаб таржима қилиш шу радифда янги шеър ёзишдан кўра мушкулроқдир, Чунки шу радифда ўзи шеър ёзган шоир жумлани, яъни шеърдаги мисра ёки байтни ўз тилида радиф бўлиб келаётган сўзнинг туриши, грамматика тақозоси билан тузиш, бунинг учун эса фикрни ёки образни ўзига маъқул ҳолда ўзгартириш имкониятига эга. Таржимон эса бу хуқуқдан тамомила маҳрум. У ҳам аслиятдаги радифни ҳам авторнинг фикрларини, образлар системасини тўла сақлаши лозим. Бундай ҳолларда таржимон жуда тор рамкада қисиб қўйилган бўлади.. Умуман радиф масаласи анча мулоҳаза талаб, чунки кўп таржимонлар бу оғир ишни осонгина ҳал этиб, радифли шеърларни радифсиз таржима қилиб қўя қоладилар. Бу эса ғазал ёки рубоийнинг мусиқийлигини, таъсир кучини йўқотади. Бу ҳақда фикримизни муҳтасар қилиб, яна Умар Ҳайём рубоийлари таржималарини кузатишида давом этамиз.

Майдан бошқасига қисқа он яхши,
Майни ҳам узатса шўх жонон яхши.
Еру кўқдан ортиқ бир пиёла май,
Бўлмоқ маст, қаландар ҳам сарсон яхши.

Н.Стрижков:

Все возьмите – вина не лишайте меня,
И любовного не отнимайте огня.
Был всю жизнь я беспутным и пьяным гулякой,
Пусть таким и останусь до Судного дня.

Э.Фицджеральд:

Whose secret presense through Creation's Veins
Running Quicksilver-like eludes your pains,
Taking all shapes from Mah to make, and
They change and perish all-but he remains



Таржималардан ойдай равшан кўриниб турибдики, ўзбек тилидаги он яхши, жонон яхши, сарсон яхши радифлари рус ва инглиз тилларидағи варианларида қоғияли сўзларга айлантирилган холос. Бунинг натижасида рубоидаги мусикийлик ва ўйноқиликка сезиларли путур етган. Мазмунни қайта акс эттиришда ҳам талай ғализликлар мавжуд. Шаклни сақлашда ҳам номувофиқликлар бор, ритм бузилган. Бўғинлар микдори аслиятдаги ўн бир бўғинга мутаносиб эмас. Бу биз юқорида таъкидлаган фикримизнинг исботидир, яъни радиф таржимаси ўта мураккаб масала эканлигини яна бир карра кўриб турибмиз. “Таржимада асар, яъни аслият қандай бўлса, мутлақ “ўшандайлигича” сақланмайди, деб таржимонларни оқлагандай бўлади, Ф.Саломов. – Ҳар қандай суврат манбанинг “айнан” ўзидай бўлмагани сингари, таржима ҳам маълум даражада ўзгаришларга учрайди. Бундай ўзгаришларнинг мундарижаси хилма-хил. Ҳамонки шундай экан, таржимада “лисоний бошбошдоқлик” хукм сураркан, деган хулоса чиқазиб бўлмайди. Таржима қонунияти асл нусхани барча бадиий хусусиятлар бўйича мумкин қадар тўла ва мукаммал қамраб олишни талаб этади”²⁴.

Буюк мутафаккир Умар Хайём одамни ахлоқий мусаффо кўришни, виждони тиник, одил кўришни орзу қилган:

Гул деди: дунёга зар сочиб келдим,
Хандону юз хандон лаб очиб келдим.
Чўнтақдан қўлимни тортиб, озода,
Бойлик, нақддин мен қочиб келдим.
Н.Стрижков таржимаси:
Роза молвит: “Я мир осветила добрым,
Рассыпалась я золотом и серебром.
Но никто не хотел оценить мою щедрость, –
Справедливости нет в этом мире земном”.

Инглиз тилида:
Look to the blowing Rose about us – ”Lo,
Laughing, she says, ”into the world and I blow,
At once the silken tassel of my Purse
Tear, and its Treasure on the Garden throw”

Инглиз тилидаги таржимада маъно рус тилидагига қараганда қўпроқ сақланган. Умар Хайённинг қуидаги рубоийсини ўқиб, унинг нақадар теран фикрловчи эканлиги, фалсафий мушоҳадага бой шахс бўлганлигини сезмаслик мумкин эмас. Эътибор қилинг:

Бу кўза мен каби ошиқ, зор эди,
Севгани қаро соч бир нигор эди.
Кўза бўйнидаги даста бир маҳал –
Қўл эди, ёр қучиб баҳтиёр эди.
Бу рубоийни Николай Стрижков қуидагича ўгирган:
Был несчастным влюбленным вот этот кувшин,

²⁴ Файбуллоҳ ас-Салом. Асаллар. Эзгуликка чоғлан, одамзод. Иккинчи китоб. Т.: Шарқ, 1997. – 151-152-б.



Сердце пылкое в сладком плену сокрушил.

А на горлышке ручка поныне свидетель,

Как бывало объяять любви хороши.

Э. Фицджеральд рубойини қуйидагича ўтирган:

I think the Vessel, that with fugitive

Articulation answer'd once did live,

And drink, and Ah! The passive Lip I kiss'd

How many Kisses might it take – and give!

Рус таржимони рубоий мазмунини аслиятга мос тарзда акс эттира олган. Агар шеърни сўзма-сўз ўтириб кўрганингизда ҳам улар ўртасидаги муқобилликни осон пайқаш мумкин: бу кўза – этот қувшин; ошиқ эди – был влюбленным; зор ошиқ эди – был несчастным влюбленным; бўйнидаги даста – ручка на горлышке» ёр қучиб – объяять ва ҳоказо. Булар эксплицит, ошкор, аник, кўриниб турган муқобилликлар бўлса, қолган шаклан ёки расман “носоз” унсурлар аслият мазмунини имплицит ҳолатда, яъни пинхона ифодалаб турибди. Инглиз таржимони қучмоқ – обнимать феълларидан ясалган сўзларни ўпмоқ феъли билан алмаштирган.

Хулоса қилиб айтганда, таржималарда учраб турадиган ғализликлар шеърий таржимани, айниқса, Шарқ шеърияти таржимасининг энг мураккаб масалалардан бири эканлигини яна бир карра тасдиқлаб турибди. Профессор Ғайбуллоҳ ас-Салом “Шакл мазмунга вобаста, мазмун шаклга пешрав” деган мақолосида ёзади: “Муқаммал бадиий асар худди ҳаётнинг ўзи каби мураккаб. Унда ҳаётнинг барча томонлари: камалакдай товланган бўёқлар, ўнқирчўнқирлар, зиддиятлар, тараққиёт ва таназзул, ғалаба ва мағлубият ва ҳоказолар ҳаққоний акс этади. Лекин фақат “ҳаққоний” инъикоснинг ўзигина кифоя эмас. Асарнинг шакли, услуби, бадиий тасвир воситалари ҳам ҳаётнинг турли-туман бўёқларига мос бўлмоғи даркор. Мазмун, мантиқ, луғат, услугуб, мусиқа ва бўёқлар – бир-бирига монанд бўлмоғи даркор²⁵.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Монтгомери Уотт У. Влияние ислама на средневековую Европу. – М., – 1976, с.65.
2. Алишер Навоий, Мезон ул-авzon. //Асарлар. 15 томлик. 14-том. Т.: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1967, 157-бет.
3. Брагинский И.С. Очки из истории таджикской литературы. Душанбе, 1956, с.81.
4. Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. Т.: Фан, 1968, 79-б.
5. Жўраев К. Таржима санъати. Т.: Фан. 1982, 20-б.

²⁵ Ғайбуллоҳ ас-Салом. Асарлар. Эзгуликка чоғлан, одамзод. Иккинчи китоб. Т.: “Шарқ”, 1997. -149-б.